Аудиторская организация в форме общество с ограниченной ответственностью

**GRANIT AUDIT**

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi auditorlik tashkiloti**

100015, г.Ташкент, ул.Нукусская, д.77, тел: (+99890) 937-55-10, (+99893) 539-59-47, (371) 255-81-85,
р/с: 20208000000233778001 в ОПЕРУ ОАКБ «Микрокредитбанк», МФО: 00433 ИНН: 207185836,
ОКЭД:69202, факс: (371) 255-81-85, e-mail: granitaudit@mail.ru

**Ижобий фикр билдирилган**

# АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

МЧЖ «GRANIT AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 10.06.2013й. 1097-сон билан рўйхатдан ўтган, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун АФ № 00731-сонли лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 22.01.2014 йилда берилган) Тошкент шахар Нукус кўчаси 77 уйда жойлашган, телефон (+99890) 937 55 10, (371) 255 81 85, х/р 20208000000233778001 АТБ «Микрокредитбанк» бош офиси, МФО 00433, инн 207185836, e-mail: granitaudit@mail.ru

Аудиторлик ташкилотининг аудитори Хўжаев Бахтиёр Одилхонович (аудиторлик малака сертификати № 04740 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 14 июлда берилган) томонидан Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Мунаввар 52, АТИБ "Агро банк" Тўй-тепа филиали МФО 00475. х/р 20214000900132812001. ИНН 200582872. **"Қорасув Пахта Тозалаш" АЖ** 1 .«Бухгалтерия баланси» №1, 2. «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» №2-шакл, 3. Ўртачирчиқ туман ДСИга топширилган давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича хисоботлар нусхаси ва бошқа бирламчи хужжатлардан иборат.

2018 йил 01 январдан 2018 йил 31 декабргача холатидаги молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

## Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хаққонийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

## Аудиторлик ташкилотинн жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотини жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат **"Қорасув Пахта Тозалаш" АЖ** илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширишдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерии хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва хаққонийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувни Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувни ва ўтказишни режалаштиришни Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

**Ижобий фикр.**

Бизнинг фикримизча, **"Қорасув Пахта Тозалаш" АЖ** 2018 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий - хўжалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МЧЖ «GRANIT AUDIT» аудиторлик**

**ташкилоти директори:** **Б.О.Хўжаев**

**Аудитор:** **Б.О.Хўжаев**

**Сана 29.04.2019 йил**